



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

• 2002 йил 3 август, шанба

• №61 (11.449)

• Эркин нархда сотилади

ЮКСАК БАҲО ОЛГАН ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Японияга расмий ташрифи икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди деб баҳоланмоқда.

Ўзбекистон дунёнинг яна бир қудратли давлати билан стратегик ҳамкор бўлди. Гарчи, мамлакатимиз билан Японияни ушбу ташрифта қадар ҳам стратегик ҳамкор давлатлар, деб ҳисоблаш мумкин бўлган эса-да, Токиода имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот бундай муносабатларимизнинг расмий тасдиғи бўлди ва алоқаларни янада кенгайтириш имкониятларини очиб берди.

Япония Ўзбекистон билан ҳар томонлама яқин ҳамкорлик қилиб келаётган мамлакатлардан бири. Унинг шу чоққача иқтисодий-ишловчи киритган сармояси ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошади. Бундан ташқари, «Тараққиётга расмий ёрдам» дастури доирасида мамлакатимизга берадиган ёрдам сифатида 100 миллион доллардан зиёд маблағ ажратилган. 2000 йилдан буён кичик ҳажмли лойиҳалар учун жами 2,225 миллион долларлик маблағ ажратилишини назарда тутувчи 48 шартнома



(Давоми 2-бетда).

тузилди. Ўзбекистонда 18 япон компаниясининг ваколатхонаси, ўнга яқин қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Сиёсий соҳада эса томонлар кўплаб халқаро масалаларда бир-бирига мос муносабатда эканлигини таъкидламоқ жоиз. Халқаро террорчиликка қарши кураш борасида ҳам икки мамлакат бир-бирининг саъй-ҳаракатларини маъқуллаб, қўллаб-қувватлаб келади. Ўзбекистон Япониянинг БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолари сифидан жой олишини ёқлаб келади.

Энди икки мамлакат ўртасидаги янги – стратегик ҳамкорлик ҳақида сўз кетар экан, аввало, бу муносабатларнинг мазмун-моҳиятига тўхталиш даркор. Гап шундаки, айрим мамлакатлар ўз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, маълум муддат давомида муайян давлат билан қалин ҳамкорлик қилиши, дунё сиёсий ва иқтисодий ҳаёти ёки ҳамкор мамлакатдаги вазият ўзгариб қолса, тўнини тескари қийиши мумкин. Стратегик ҳамкорлик эса, айрим ўзгаришлардан қатъи назар узоқ муддатли, қалин, ўзаро ишончга йўғрилган муносабатларни назарда тутди.

Мазкур ҳужжатда томонлар тенглик, ўзаро англашув ва халқаро ҳуқуқнинг умумий қабул қилинган тамойил ва меъёрларига асосланган ҳолда дўстона муносабатлар ва стратегик ҳамкорликни ривожлантириш ниятини билдиради. Икки томонлама ҳамкорликнинг



ТАДБИРЛАР КўЛАМИ КЕНГ

Шу кунларда республикамизнинг ҳар бир ҳудудда мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллигига тайёргарлик қизғин бормоқда. Буни биргина вилоятимиз шаҳарлари, туманлари, маҳаллалари, қишлоқларида ҳам кўриш мумкин.

Бу бежиз эмас. Зеро, Тошкент вилоятида истиқлол байрамини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларнинг кўлами ҳақиқатан ҳам кенг ва ранг-баранг. Хусусан, жойларда юздан ортиқ мустақиллик қурилишлари ниҳоясига етказилмоқда. Ободонлаштириш икки ойлиги давом этмоқда. Айниқса, илмий тарғибот маркази раҳбарлари, ходимлари, сиёсий-иқтисодий шарҳловчилар ҳамда таниқли санъаткорлар иштирокида бўлиб ўтаётган маънавият-маърифат кечалари кўпчиликлари манзур бўлмоқда.

Мустақиллик шодиёнаси ўтказилишига 28 кун қолди. Уни ҳар томонлама юксак савияда нишон-

(Давоми 3-бетда).

ТАШКИЛИЙ КўМИТА ИШ БОШЛАДИ

Республикамизда жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш борасида катта саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Бунга ёшларимиз ўртасида ўтказилаётган «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт ўйинлари яққол мисол бўла олади.

Маълумки, 2004 йилда бўладиган мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг республика босқичини Тошкент вилоятида ўтказиш режалаштирилган. Бу мусобақалар апрель-май ойларида шаҳар ва туманлардаги спорт иншоотларида бўлиб ўтади.

Унга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш учун вилоят ташкилий кўмитаси тузилди. Ташкилий кўмита ўз фаолиятини бошлаб юборди. Унинг зиммасига биринчи навбатда барча шаҳар ва туманлардаги спорт мажмуалари, ўйингоҳлар, сузиш ҳавзалари, спорт заллари, футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, теннис кортларини қайта кўриб чиқиш ва тайёрлаш юзасидан таклиф киритиш вазифаси юкланди. Айни кунларда ўқувчи ёшларнинг спорт мусобақаларини ўтказиш мақсадида махсус вилоят дастури ишлаб чиқилмоқда.



ҲАЯЖОНЛИ ДАҚИҚАЛАР

1 август кунини юртимиздаги барча олий ўқув юртларида бўлгани каби Тошкент Давлат Аграр университетида ҳам билимга чанқоқ йигит-қизлар тест синовлари топширишди.

Университетнинг юздан зиёд аудиторияларини 5500 абитуриент банд этди. Имтиҳонлар кетаётган ҳар бир хонага кузатув камералари ўрнатилган, ташқарида эса мониторинг жараёни намойиш этарди. Шу боис синовларнинг боришини ота-оналар билвосита кузатиб туришди.

2002—2003 ўқув йили учун университетнинг 7 та факультетига 1146 талаба қабул қилиш режалаштирилган. Топширилган аризалар эса, бу рақамдан беш баробар кўп. Яъни, бир ўринга беш даъвогар. Синовлар ҳам шунга яраша — жиддий ва масъулиятли.

— Бу йилги тест синовлари, унда берилган саволлар биз ўйлаганчалик содда ва осон эмас экан, — дейди иқтисодий факультетига ҳужжат топшириб, синовлардан ўтаётган Хилола Аҳмедова. — Айрим саволлар қаттиқ ўйлантириб қўйса, баъзилари киши қанчалик ҳақиқий билимга эга эканлигини намойиш қилишга кенг имкон беради. Абитуриент ўзи танлаган касбига қизиқса, у билан боғлиқ фанларни тўла ўзлаштирган бўлса, синовлар унинг учун қийин кечмайди. Чунки бир вақтнинг ўзида абитуриент-



Абитуриент – 2002

нинг бир неча фандан билими холис баҳолаб берилади.

— Бўстонликдан келганмиз, — дейди Ҳабиба ая Абдуллаева. — Шу университетда ўқишга қизимнинг иштиёқи катта. Кейинчалик ўрмон хўжалиги билан шуғулланмоқчи. Омади келсин, илойим...

Хуллас, шу кунини бундай ҳис-ҳаяжонга тўлган сўзларни кўп эшитиш мумкин эди. Ҳамма бу олий ўқув юртига кириб ўқиш талабгорларига омад тиларди.

Биз ҳам уларга талаба бўлиш насиб этишини, кейинчалик эса юртимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшувчи ҳақиқий мутахассислар бўлишларини тиладик.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,

«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТЛАРДА: тест синовларидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

ЮКСАК БАҲО ОЛГАН ТАШРИФ

муҳим вазибалари сифатида савдо, сармоя, технология, таълим ва бошқа соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантириш белгилаб берилган. Шунингдек, Афғонистонда барқарор тинчлик ўрнатилишидан Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам бирдай манфаатдорлиги таъкидланган. Япония томонидан Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона яратиш ташаббуси қўллаб-қувватланиши айтиб ўтилган.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон шу йилнинг март ойида АҚШнинг стратегик ҳамкори деб эълон қилинган эди. Эндиликда мамлакатимиз расман ҳам Фарб, ҳам Шарқнинг энг қудратли давлатлари билан ўта қалин ишончли муносабат ўрнатди. Агар бу доирага Европадаги ишончли ҳамкорларимизни ҳам қўшсак, Президентимиз Ислон Каримовнинг узқни кўзлаб, изчиллик билан юртаётган оқилона сиёсати туфайли Ўзбекистон халқаро майдонда нечоғли юксак ўринга эга бўлаётгани яққол намоён бўлади.

Токиода Президент Ислон Каримов ва Бош вазир Жунъитиро Коидзуми имзолаган иккинчи ҳужжат – Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қўшма баёнот ҳам гоёт муҳим аҳамиятга эга. У иқтисодиётнинг қўллаб соҳалари бўйича икки томонлама қонун ҳужжатларини такомиллаштиришни назарда тутди. Албатта, Япония томони бундан буён ҳам Ўзбекистондаги ислохотларни янада кенг қўллаб-қувватлаши алоҳида таъкидланади.

Япония Бош вазирининг қароргоҳида давлатлараро ҳужжат имзоланиши жуда ноёб воқеа. Ислон Каримовнинг ташрифи чоғида ҳужжатлар айнан Бош вазир қароргоҳида имзолангани Япониянинг мамлакатимизга нисбатан алоҳида муносабатидан далолатдир.

Умуман, Токиода жами ўн тўртта ҳужжат имзоланиб, ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдевори гоёт мустаҳкамланди ва мазмунан бойиди. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг «Мицубиси», «Мицуи», «Марубени», «Нише Иваи» корпорациялари билан ҳамкорлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан «Bank of Tokyo-Mitsubishi» ўртасида имтиёзли кредит борасидаги, «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Япония сайёҳлик агентликлари уюшмаси ва бошқа сайёҳлик компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар, 348 миллион иенлик грант ажратилиши ҳақидаги нота ва бошқа муҳим ҳужжатларга имзо чекилди.

Ислон Каримовнинг Токиодаги Васеда университети томонидан ушбу муассасанинг ҳуқуқ фанлари бўйича фахрий доктори этиб сайлангани ҳам гоёт муҳим воқеадир.

Ташриф натижаларини сарҳисоб қилар экан, Президент Ислон Каримов уч масалани алоҳида қайд этди.

Биринчиси, шубҳасиз, Ўзбекистон ва Япониянинг стратегик ҳамкорлиги расман ўз тасдиғини топганидир.

Яна бир натижа шуки, сиёсий соҳадаги муносабатлар та-

(Давоми. Боши 1-бетда).

момила янги босқичга кўтарилди. Япония Либерал-демократик партияси мамлакатда қарийб 50 йилдан буён ҳукмронлик қилади. Ана шу партия ташаббуси билан парламентда «ЛДП-Ўзбекистон» дўстлик лигаси тузилган. Ислон Каримов Токиода партия етакчилари билан мулоқотда бўлди. ЛДПнинг бош қароргоҳида ўтказилган қабул маросимида кечган ушбу суҳбатлар гоёт самимий бўлиб, мезбонларнинг муносабатида чуқур эҳтиром, меҳр ва дўстлик руҳи яққол сезилиб турарди.

Ислон Каримовни Жунъитиро Коидзуми ва император Акихито ҳам ниҳоятда самимий кутиб олди.

Император билан учрашув эса алоҳида мавзу. Таомилга бино-

айтганда, «Япония иқтисодиёти тебратиб турган» йирик корпорациялар раҳбарлари билан алоҳида учрашувлар бўлди, ишбилармон доираларнинг нуфузли вакиллари иштирокида қабул маросими ўтказилди. Кўтаринки руҳда ўтган суҳбатлар давомида энергетика, ахборот технологиялари, тўқимачилик, кимё ва енгил саноат, коммуникация тизимларини такомиллаштириш борасида қўллаб-қувватлашларга эришилди.

Ислон Каримов Ўзбекистон Япония учун Марказий Осиёга кўприк вазибаларини эгаллашни таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, сўнги вақтларда жуда кўп давлатлар қатори Япониянинг ҳам Ўзбекистон ва Марказий Осиё-



ан, император ҳеч маҳал бир давлат раҳбарини, у неча марта Японияга ташриф буюриши ва ташрифи қандай мақомда ўтишидан қатъи назар, икки марта қабул қилмайди. 1994 йилнинг майида Акихито билан учрашган Ислон Каримов бу сафар ҳам император саройида меҳмон бўлди. Яна бир гап. Япония императори камдан-кам ҳолларда меҳмонларни шахсан кутиб олиб, кузатиб қўяди. Мамлакат халқининг фахри ҳисобланган бу шахснинг Ўзбекистон раҳбарига гоёт илиқ муносабат билдириши – музокарадаги очиклик ва самимийлиги, юртимизга хайрихоҳлиги муҳим аҳамият касб этади. Зеро, халқ ўзи эҳтиром этадиган, фахрланадиган кишининг нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди. Демак, Япония императорининг давлатимиз раҳбарига кўрсатган эҳтироми замирида катта маъно-мазмун муҳассам.

Ташрифнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг иқтисодий музокарада бой бўлганидир. Ислон Каримов таъбири билан

га муносабати тубдан ўзгарди. Сўнги бир йил ичида эса, бутун дунё Ўзбекистонни қайтадан таниди, десак, хато бўлмайди. Бунинг сабаби кўп. Ўзбекистоннинг минтақамиздаги стратегик, жуғрофий-сиёсий аҳамияти, захиравий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти муҳимлигини энди ҳеч ким инкор этолмайди.

Шундай қилиб, Ислон Каримовнинг Японияга сафари улкан натижалар билан якунланди. Таъкидланганидек, Фарбда қудратли давлатлар билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган Ўзбекистон энди Шарқдаги етакчи давлат билан ҳам қалин шерикликни расмийлаштирди. Мамлакатимиз кунчиқар Шарқдан кунботар Фарбгача дўстлик ва ҳамкорлик қўлини чўзмокда. Ташриф чоғида эришилган келишувлар эса тез орада ўз самарасини бериши шубҳасиздир.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА махсус мухбири.
Тошкент - Тэкио - Тошкент.
Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

«Тошкент ҳақиқати»га
жавоб берадилар



«АЯЖОНЛАР ҲОМИЙ ИЗЛАШМОҚДА»

Газетамизнинг 2002 йил 27 июнь сониде босилган шу сарлавҳали мақолада Оҳангарон туманида фаолият кўрсатаётган «Наврўз» фольклор-этнографик дастаси гарчи вилоят кўрик-танловида учинчи ўринни олган бўлса-да, даста аъзоларига бошчилик қиладиган, уларга йўл-йўриқ кўрсата оладиган мутахасссларнинг йўқлиги, шунингдек, даста бир меҳрибон ҳомийга, ҳимматли, қўли очик раҳбарга муҳтожлик сезаётгани айтилган эди.

Оҳангарон тумани маданият ишлари бўлими мудири Абдуқаюм Қамбаров имзолаган жавоб хатида мақола туман маданият ишлари бўлимининг кенгайтирилган йиғилишида кўриб чиқилганлиги, унда билдирилган эътирозлар тўғри эканлиги ва бу борада бир қатор тадбирлар белгиланганлиги баён этилган.

Хусусан, хатда шундай дейилади: «Наврўз» фольклор дастасини қайтадан тиклаб, унга раҳбар сифатида Телов маданият уйида директор лавозимида ишлаб келаётган Дилором Сиддиқова тайинланди. Мутахассис сифатида эса Телов маданият уйи ҳамда Оҳангарон ту-

мани марказий маданият уйи услубийчилари Улуғбек Матюсов ва Бахтиёр Бўтаевлар бириктирилди. Шунингдек, туман маданият ишлари бўлими томонидан фольклор дастасини кийим-кечаклар билан таъминлаш чоралари смета харажатларида режалаштирилди. «Наврўз» дастасига ҳомий бириктириш масаласи ҳам яқин кунларда кўриб чиқилади.

Ҳозирги кунда «Наврўз» фольклор-этнографик дастаси юқорида тайинланган мутахассслар раҳбарлиги остида Ўзбекистон Республикаси мутақиллигининг 11 йиллигига қизгин тайёргарлик кўрмокда».

Янгилик

ЭНДИ ЧЕТДАН ОЛИНМАЙДИ

Янгийўл шахридаги «Биокимё» ҳиссадорлик жамияти жорий йилнинг биринчи ярмида буюртмачилар учун икки миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди.

Бу ерда маҳаллий хом ашёдан бозорбоп қўшимча маҳсулотлар ишлаб чиқаришга алоҳида аҳамият берилаетир. Чунончи, корхона тасарруфида ташкил этилган «Крахмал» ва «Фан-дон» масъулияти чекланган жамиятларда қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун кўюк қиём тайёрлаш йўлга қўйилган эди. Бу эса республикамизга шундай маҳсулотларни четдан келтириш билан боғлиқ харажатларни кескин камайтириш имконини берди.

Айни пайтда корхона мутахассслари маҳаллий хом ашёдан бошқа хил маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида изланишмокда.

Ақбар АЛЛАМУРДОВ.

КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони билан ташкил этилган)

2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш, 2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш, 2003-2010 йилларда телекоммуникациялар ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурларининг ва «Электрон рақамли имзо ҳақида», «Электрон ҳужжат алмасуви ҳақида», «Электрон тижорат ҳақида»ги қонун лойиҳаларининг биринчи тахрирлари тайёрлангани ва Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг www.ICTCouncil.gov.uz манзилида жойлашган сайтида жойлаштирилганини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

ва кенг оммани Мувофиқлаштирувчи Кенгаш ва унинг ишчи гуруҳлари фаолияти билан таништириш ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ишланаётган дастурларнинг оммавий муҳокамасини ташкил этиш мақсадида ҳамма хоҳловчиларни ишланаётган дастурлар ва қонун лойиҳаларининг муҳокамасида қатнашишга ва ахборот-коммуникация технологияларининг юртимиздаги ривожига ўз ҳиссасини қўйишга

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Барча таклиф ва мулоҳазаларингизни www.ICTCouncil.gov.uz сайтида жойлашган, ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш масалалари, жумладан, ишланаётган дастур ва қонун лойиҳаларининг муҳокамасига бағишланган доимий ишловчи

ЭЛЕКТРОН ФОРУМГА

ҳамда info@ictcouncil.gov.uz манзилидаги электрон почта,

139-82-32 рақамли телефон ва 139-82-47 рақамли факс орқали Мувофиқлаштирувчи Кенгаш Котибиятига юборишингиз мумкин.

Mustaqillikning 11 yilligiga

ТАДБИРЛАР КЎЛАМИ КЕНГ

лаш учун ҳали қилинадиган ишлар ҳам кўп. Тошкент вилоятида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига тайёргарлик кўрувчи ташкилий кўмитанинг навбатдаги йиғилишида ана шу масалалар атрофли муҳокама этилди. Йиғилишда вилоят ҳокимлиги (Давоми. Боши 1-бетда).

нинг тегишли бўлим, бошқарма, жамғармалар, жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Унда Пскент, Қуйичирчиқ туманлари ва бошқа қатор муассасаларда байрамга тайёргарликнинг бориши юзасидан ахборотлар тингланди. Айни пайтда бу борада қилиниши зарур бўлган вазифалар тўғрисида гап борди. Хусусан вилоят халқ таълими, маданият ишлари бошқармалари, жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот»

ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимларига жойларда тадбирларни ташкил этишда амалий кўмак бериш тавсия этилди.

Мустақилликнинг 11 йиллиги муносабати билан 2002 йилнинг 17 август кунига белгиланган оммавий ҳашарни уюшқоқлик билан ўтказиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Ташкилий кўмита йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.


ҲАШАРДА ҲАММА ФАОЛ

Ўзбекистон мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Пскент тумани аҳолиси тозалик ва ободонлаштириш ойлигини уюшқоқлик билан ўтказмоқда. Маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ва бошқа 87 ташкилот ишчи кучлари ва техника воситалари билан бу ишга кўмаклашмоқда.

Туман марказидаги Амир Темурур, Бобур кўчалари қайта таъмирланаётган. Йўл бўйларига гуллар экилмоқда, дарахтларга «пардоз» берилляпти. Ариқларнинг четларига бетон ётқизиляпти. Мақтаб ва маиший бинолар қайта таъмирдан чиқмоқда.

Ободонлаштириш ойлигида йўл қурилиш бошқармаси, 3-кўчма механизациялашган жамлама, «Мезон», «Ёқуббек» хусусий корхоналари айниқса фаол қатнашмоқда.

Ўз мухбиримиз.




Бу билим даргоҳи истиқлол қурилишларидан ҳисобланади. У янги ўқув йили бошланиши олдида фойдаланишга топширилиши ва дастлабки ёшларни ўз бағрига олиши лозим.

Шунинг учун ҳам у жадал қад кўтармоқда. Бу ишда ўндан ортиқ бинокорлик ташкилотлари иштирок этмоқдалар. Бош пудратчи — Оққўрғон тумани механизациялашган кўчма жамламаси ўз ёнидаги 12 та ёрдамчи пудратчи ташкилотлар билан қури-

ИСТИҚЛОЛ ИНШООТЛАРИ

Оққўрғон туманида барпо этилаётган ушбу коллеж ёшларга коммунал хизмат ва қурилиш касбларини ўргатишга мўлжалланган. Унда бир йўла 750 нафар йигит-қизлар ўзлари танлаган соҳалари бўйича таълим оладилар.



лиш ишларини олиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида 720 миллион сўмлик сармоя ўзлаштирилди. Яна 310 миллион сўмлик қурилиш ишларини бажариш керак. Уни барвақт ўзлаштириш учун барча имкониятлар ишга солинмоқда, мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиляпти. Коллежнинг асосий биносидан ташқари қатор спорт иншоотлари, 100 ўринли ётоқхона, 200 ўринли ошхона ҳам

тахт қилиниши лозим.

СУРАТЛАРДА: *ғишт терувчи Алишер Ўсаров, уста Саидкарим Саидмуров, участка бошлиғи Алишер Каримов ва оддий бинокор Машираб Тожибоевлар навбатда бажарилаётган ишлар ҳақида ўзаро суҳбатлашмоқдалар; коллеж қурилишининг умумий кўриниши.*

Даврон АХМАД олган суратлар.

Ўз ишини пухта биладиган, жамоа ўртасида озми-кўпми обрўга эга бўлган инсонларнинг тили бурро, сўзи кескир бўлади. Тошкент тумани Махкам Одилов, сўзи кескир бўлади. Тошкент тумани Орифжон Ҳакимов ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бунинг боиси бор. О.Ҳакимов кўп йиллар давомида Гиёс Умаров номли ширкат хўжалиги раисига ўринбосар бўлиб ишлади. Бошқарув раиси Комилжон Каримов билан ҳамкор, ҳамфикр бўлиб фаолият кўрсатди. Кўп ўтмай уни Масалбой қишлоқ фуқаролар йиғини раислигига сайлашди. Орифжоннинг фаолиятида янги босқич бошланди. У жамоатчиликнинг орасида бўлиб, йиғиннинг ишини ҳар жиҳатдан яхшилаш учун нималарга эътибор бериш кераклигини ўрганди. Одамлар ундан деҳқон хўжаликлари фаолиятини ҳар жиҳатдан жонлантириш учун кўмаклашишни сўрадилар.

— Бу айни муддао, — деди Орифжон. — Ахир, бу соҳада бизга катта имконият яратилган. Эндиликда ҳар кимга бириктирилган ер юридик мақомга эга. Бу бир. Иккинчидан, томорқа юритувчи, деҳқон хўжалиги раҳбари энг кам ойлик маош ҳисобидан 9 ой давомида солиқ тўлаб турса, имтиёзлари янада ортади. Бунинг устига у худди завод, фабрикаларда ишлайдиган ходимдек имтиёздан фойдаланади. Маълум вақтда дам олиш-

У ишни яхши йўлга қўйиш учун биринчи навбатда жўжа очирадиган ускуна сотиб олди. Ишончли манбалардан сархил зотли парранда тухумларини олиб келиб очиради. Жамоа аъзоларига тарқатади. Махсус жойларда бу жўжалар уч ой боқилади, вазни 1,2 кг дан ошгач, ошхона ва керакли ташки-

қолаверса, ёнингизда норғул ўғилларингиз бор, тўғрими?

— Ҳа, энди, — деб қўяқолди Ҳасанали.

Дарҳақиқат, Орифжон ака Ҳасаналини руҳлантирувчи гапларни бежиз айтмаётган эди. Мен ҳам Ҳасаналини яхши танир эдим. Унинг отаси Йўлдош ака билан бир неча бор учраш-

асли мустақилликнинг шарофати, неъматидир. Тошкент тумани хусусан, Гиёс Умаров номли хўжалик ҳамда Масалбой қишлоқ фуқаролар йиғини тажрибаси шуни кўрсатадики, деҳқон хўжаликлари қанчалик яхши шарт-шароитлар яратиб берилса, улар ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланса, рағбатлантирилса, уларнинг моддий бойлик етиштиришга қўшадиган ҳиссалари тобора салмоқли бўлиб боради. Бугина эмас, қаерда деҳқон хўжаликлари ташкил этиш, уни юритишга алоҳида эътибор берилса, ўша ерда томорқа ерларидан ниҳоятда самарали фойдаланиш мумкин бўлади. Мухими оиланинг ҳар бир ишга яроқли аъзоси ўзи ёқтирган, ўзи ихлос қўйган иш билан таъмин этилади. Демак, даромад ҳам мўмай бўлади. Деҳқон оила аъзоларининг турмуш даражаси йил сайин яхшиланиб боради. Улар ўзларининг пешона терлари эвазига топилган даромад ҳисобига яхши яшабгина қолмай, орзу ҳавасларига ҳам етадилар. Бундан бошқалар ўрнатилган, манфаат кўрадилар.

Биз аминимизки, Гиёс Умаров номли ширкат хўжалиги ва Масалбой қишлоқ фуқаролар йиғинининг деҳқон хўжаликлари ташкил этиш соҳасидаги ишлари тумандаги бошқа хўжаликлардагина эмас, вилоят бўйича ҳам кенг ёйишга лойиқ ва аргизлиқ тажрибадир.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»
махсус мухбири.

ЕР ЭҒАЛАРИ

га чиқади, нафақа олиш ҳуқуқидан фойдаланади. Унинг фаолиятига ҳеч ким ҳалақит бермайди, томорқа ерида ўзи хоҳлаган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириб, ўзи тасарруф қилади, хоҳласа қайта ишлаб, бўлмаса бозорга ёки истаган ерига олиб бориб сотаверади.

Орифжон деҳқонлар ўртасида бундай имкониятлар моҳиятини шу тариқа кенг тушунтирди. Ана шундан сўнг мустақил равишда иш олиб боровчи деҳқон хўжаликлар сони кўпайди. Тумандаги мавжуд деҳқон хўжаликларининг учдан бир қисми шу хўжалик худудида фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда уларнинг сони 67 тага етди. Айрим деҳқон хўжаликлари сара ва сифатли, кундалик рўзгор учун зарур маҳсулотларни етиштириб тез орада тажриба орттирдилар, янгиликлар яратдилар. Улардан бири Раҳим Исоқов. У паррандачилик билан шуғулланмоқда.

лотларга гўштга сотилади. Одил Афзалов эса, қорамолчилик билан шуғулланмоқда. Хўжалигида ҳозир 20 бош мол боқмоқда. Уларнинг олтитаси сигир, ҳар бирдан кунига 8-10 литр сут соғиб олади, бундан ташқари бўрдоқига мол боқади, аҳолига ҳам сут, ҳам гўшт топширади. Султонбек Ортиқов эса, ўз хўжалигида иссиқхона ташкил этган. Қишин-ёзин янги узилган сабзавот маҳсулотлари аримайди унинг хўжалигидан.

Орифжон ака билан ана шулар ҳақида суҳбатлашиб турганимизда, эшикдан ўрта бўйли, тўлачадан келган бир киши кириб келди ва бир варақ қоғозни раисга узатди. Бу қоғоздаги аризада деҳқон хўжаликлари уюшмасига аъзо қилиб олишлари сўралган эди.

— Яхши ўйлапсиз Ҳасанали, — деди Орифжон ака, — Сизда хўжаликни юритиш учун ҳамма имконият бор. Тажрибангиз етарли, олий маълумот эгасисиз,

ганман, суҳбатлашганман. Йўлдош Мирқосимов Тошкент туманининг номдор деҳқонларидан бўлган. Ким билан суҳбатлашманг, у ҳақда самимий ва илиқ гапларни эшитасиз. Умр бўйи сабзавот уруғчилиги билан шуғулланиб келган. У етиштириб берган уруғларни экиб мўл ва сифатли ҳосил олган деҳқонлар отага қайта-қайта раҳматлар айтадилар. Буни қарангки, Ҳасанали ҳам отаси изидан борди. Олий маълумотли сабзавоткор бўлиб етишди. У отаси қилиб улгурмаган ишларни амалга ошириш, сабзавот уруғчилигини илмий асосда йўлга қўйиш учун бор тажрибаси, билими, куч-ғайратини сарфлаб келмоқда.

— Келгусида, — дейди у, — хўжалиқдан ер олиб, фақат уруғчилик билан шуғулланадиган фермер бўлиш ниятим бор.

Деҳқон хўжаликларининг эмин-эркин ишлашлари учун ҳар бир ҳудудда, хўжалиқда яратиб берилаётган шарт-шароитлар

DUSHANBA

5

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома».
8.45 ТВ маркет.
8.50 «Ўзбектефильм» намойиши: «Сўзана ва чинни буюмлар».

ри. 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.05 «Ватан мадҳи».
13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Обод уйда пок одамлар яшайди».

22.05 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.

«Ёшлар» телеканалли

Профилактика мусоба-ти билан дувалба, 5 август кўни «Ёшлар» телеканалли кўрсатувлари соат 15.00 бошланади.

15.05 «Давр» ҳафта ичида.
15.35 Мусиқий лаҳзалар.
15.45 Автосалтанат.
16.00 «Фаройиб бола».

22.00 Давр.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Интерфутбол.

«Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фибрибгарлар».

«Тўртинчи қаватдаги хонадон».
21.35 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси».

«Халқаро» телеканалли

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».

20.00 «Время».
20.35 «Немис тўлкини».
20.55 «Нигоҳ».
21.15 «ТВ-4да мусиқа».

30-КАНАЛ

16.55 гача профилактика ишлари.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Шоу соати.

SESHANBA

6

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

14.10 «Сийёсат оламида».
14.30 «Темир хотин».
Спектакль. 2-қисм.
15.35 «Мумтоз наволар».

21.50 «Парламент вақти».
22.05 «Ўзбекистон» каналлида илк маротаба: «Ошин».

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» почтаси.

12.50 Жаҳон жуғрофияси.
13.40 Интерфутбол.
15.20 Хуқуқ ва бурч.
15.40 «Меҳрибонгинам».

23.05 «Ёшлар» телеканаллида спорт: Нокаут.
23.30 Давр.
23.45 «Ҳақиқат чегараси».

«Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фибрибгарлар».

2-қисм.
23.30 Кинонигоҳ «Фан-фан - муҳаббат атри».

«Халқаро» телеканалли

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».

00.05 «Ахборот» (рус тилида)
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».

CHORSHANBA

7

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

12.55 «Санъатта бахшида умр». Т. Муродов.
13.20, 13.55 ТВ анонс.
13.25 «Ошин». Телесериал.

20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси.

10.45 Таянч.
11.10 Болалар экрани: «Пан Кляксанинг саргузаштлари».

20.25 Севги тароналари.
20.45, 21.20, 22.35 Эълонлар
20.50 «Эсмеральда».

«Тошкент» телеканалли

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фибрибгарлар».

«Изувар Пуаро». «Корноул сири».
21.40 «Аёл қалби».
22.25 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси».

«Халқаро» телеканалли

РЖТ 6.30-8.00
16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».

22.40 Кинематограф. «Жокер». Бадийий фильм.
00.10 «Ахборот» (рус тилида)

30-КАНАЛ

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор».

PAVSHANBA

8

«Ўзбекистон» телеканалли

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.

10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Менинг сўнги тангонм». Бадийий фильм.
11.40 «Авлодлар учрашуви».

14.10 «Ажаб саодат эрур».
14.30 Кундузги сеанс: «Ишдаги ишқ». Бадийий фильм.
15.55 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар.

18.45 «Кўшигимиз Сизга армуғон».
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар

22.40 «Филипп Марлоу». Телесериал.
23.30 «Ахборот-дайжест».
23.50-23.55 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканалли

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Янги авлод» студияси.

хикоялари». Мультсериал.
10.00 Тафаккур ёлқинлари.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 «Эсмеральда».

16.40 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 «Давр»-интервью. 19.55 Кўна оҳанглар. 20.00 «Coskom» хабарлари. 20.10 Мезон. 20.35 Ёшлик кўшиқлари. 20.50, 21.25, 22.35 Ёшонлар. 20.55 «Эсмеральда». Телесериал. 21.30 Ёшлар овози. 21.50 Олтин мерос.

22.00 Давр. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 Давр. 1.30-1.35 «Хайрли тун!» **«Тошкент» телеканал** РЖТ 6.30-8.00 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирбирлар». 50-қисм.

17.50, 19.15, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.10 «Навиқол». 18.30, 20.00, 21.20, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Камолот фасли». 19.35 «Мушоҳада». 20.30 ТТВда сериал: «Икзувар Пуаро». «Жаноб Девехайнинг йўқолиши». 21.40 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси.

4-қисм. 22.40 «Санъатта баҳшида умр». О. Хотамов. 23.35 Кинонигоҳ «Капитан». 00.45-00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!» **«Халқаро» телеканал** РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести». 16.20 СФ тақдим этади: «Арлетт цирк». 2-қисм. 17.00 «Евроноос» янгиликлари.

17.15 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.15 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув. 18.40 «Шарлотта маржони». Детектив сериал. 3-қисм. 20.00 «Время». 20.35 «Хатарлар ороли». Сериал. 21.40 «Соқкер клуб». 22.00 «ТВ-4да мусиқа». 22.15 «Аншла». 23.00 Кинематограф. «Ой нури» агентлиги. Бадий фильм.

00.35 «Ахборот» (рус тилида) 1.10 «Тунингиз оуда бўлсин!» **30-КАНАЛ** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Ботирлар» Сериал. 10.40 «Яшми кайфият». 11.10 «Иблис боласи». Сериал. 12.00 «Учрашув жойи» ўзгартириб бўлмайди». 5-серия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси».

Телесериал. 15.00 Кундузги киносеанс: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.45 «30» да спорт». 17.00 «Шоу соати». 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» киношоми: «Само оёқиси». 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» киношоми: «Совиган юрак». 23.15 «Сиреналар». Сериал.

JUMA

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00 - 8.35 «Ахборот». 8.35, 17.55 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. **Ёғи таътил кунларида «Болалар сайёраси».** 9.00 1. «Сехрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Бешбармоқ». Тележурнал. 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар 10.05 «Шайтон малайлари жинлар тегиримонида». Бадий фильм. 11.30 «Ўзалинг намоен қил». Экранда - Наманган вилояти. 11.55, 12.45, 16.40 ТВ анонс. 12.05 «Йиллар ва йўллар». 12.25 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари». 12.50 «Кулгу-2002». 13.15 «Олам». Телеальманах. 13.50, 15.40 ТВ клип. 14.10 Кундузги сеанс:

«Ишдаги ишқ». Бадий фильм. 2-қисм. 15.20 «Озод юрт одамлари». 15.50 «Хуқуқ сабоқлари». 16.10 «Ўзбектелефим» намойиши: «Муъжизакор қорхона». Премьера. **Ёғи таътил кунларида «Болалар сайёраси».** 16.45 «Йўла. Изла. Топ!» Телемусобақа. 17.35 «Нурли манзиллар». 18.10 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури. 18.30 «Сихат-саломатлик». Ўқир ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш. 18.50 «Куйла, ёшлигим». 19.05 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этиқод мустаҳкамлиги йўлида». 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 «Истиқлол нашидаси». 20.30 «Ахборот». 21.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг**

11 йиллигига «Тараққёт йўли». 21.25 ТВ клип. 21.35 «Ўзбекистон» каналда илк мартаба: «Ошин». Телесериал премьераси. 22.05 «Сийёсат оламида». 22.20 «Бу ажиб фасл». Телеальманах. 22.40 «Спорт, спорт, спорт». 22.55 «Ахборот - дайжест». 23.15 Футбол бўйича Ўзбекистон кубоги. «Пахтакор» - «Нефтичи». 00.45-00.50 Ватан тимсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 8.55 Кўрсатувлар дастури. 9.00 Давр. 9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар». 9.30 «Кундуз амакининг ҳижолатлари». Мультсериал. 9.45 «Давр»-интервью. 10.00 Мусиқий лаҳзалар. 10.15 «Эсмеральда». Телесериал. 10.45 Ёшлар овози. 11.05 «Кусто қорғандасининг сув ости саргузаштлари».

Телесериал. 11.55 Ватан манзаралари. 12.15 ТВ-анонс. 12.20 Мезон. 12.45 «Жоли Леско». Бадий фильм. 23-қисм. 13.35 «Ёз нафаси». Видеофильм. 13.45 Интерфутбол. 16.00 Эъоз. 16.20 «Учинчи сайёра» маърифий дастури. 17.10 Кўрсатувлар дастури. 17.15 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 17.30 «Кундуз амакининг ҳижолатлари». Мультсериал. 17.45 Автосалтанат. 18.00 Дунё ажойиботлари. 18.20 Ёшлар овози. 18.40 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 «Ёшлар» телеканал «Нирол» мукофотига номзодларни тақдим этади. 19.45 «Давр»-репортаж. 19.55 Азиям. 20.35 «Ер ишқи». Мусиқий дастур. 20.50, 21.25, 22.35 Ёшонлар 20.55 «Эсмеральда». Телесериал. 21.30 Аскар мактублари.

21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: «Ринг қироллари». 00.05 Давр. 00.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал. 00.55-1.00 «Хайрли тун!» **«Тошкент» телеканал** РЖТ 6.30-8.00 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 ТТВда сериал «Официна баридан чиққан фирбирлар». 51-қисм. 17.40, 19.10, 21.40 «Экспресс» телегазетаси. 18.00 «Болалар экран». «Шарки ва Жорж». 4-қисм. 18.30, 20.00, 21.20, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.50 «Хайрли оқшом». 19.30 «ТТВда мусиқа». 19.45 «Саломатлик масхари». 20.30 ТТВда сериал: «Икзувар Пуаро». «Йигирма тўртта қорақуш». 22.00 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли

видеофильм премьераси. 5-қисм. 23.05 Кинонигоҳ «Карнавал». 1-қисм. 00.15-00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!» **«Халқаро» телеканал** РЖТ 6.30-8.00 16.00 Кўрсатувлар тартиби. 16.05 «Вести». 16.20 «Мультисеанс». 17.00 «Евроноос» янгиликлари. 17.15 «Оилавий ришталар». Сериал. 18.15 «Инсон ва қону». 18.50 «Муъжизакор майдон». 20.00 «Время». 20.35 «Қишлоқ ҳангомалари». М. Едросовнинг концерт дастури. 22.10 «Дурдаршан». 22.35 «Тасвирий санъат театри». 22.50 «ТВ-4да мусиқа». 23.10 Кинонигоҳ олтин асри: «Омон қолганлар». Бадий фильм. 00.55 «Ахборот» (рус

тилида) 1.30 «Тунингиз оуда бўлсин!» **30-КАНАЛ** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30, 14.10 — Болалар соати. 10.15 «Ботирлар». Сериал. 10.40 «Сухбатдош». Дам олиш дастури. 11.10 «Иблис боласи». Телесериал. 12.00 «Менинг эрим бўлинг». Комедия. 13.30 «Яго, зулмат эҳтироси». Телесериал. 15.00 Кундузги кинозал: «Магдаленанинг сокин эҳтирослари». Сериал. 15.45 «30» да спорт». 17.00 Шоу соати. 18.00 «Тергов сирлари». Сериал. 19.00 «30-канал» да ринг қироллари. 19.45 Елена Степаненко шоуси. 21.00 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.15 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 21.30 «30-канал» киношоми: «Агент 007». «Россиядан муҳаббат ила». 23.25 «Сиреналар». Сериал.

SHANBA

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 ТВ маркет. 8.40 Газеталар шарҳи. **Ёғи таътил кунларида «Болалар сайёраси».** 9.00 «Йўла, Изла, Топ!» Телемусобақа. 9.50 «Зиё» студияси намойиш этади: «Этиқод мустаҳкамлиги йўлида». 10.10 «Спорт, спорт, спорт». 10.25 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 11 йиллигига «Тараққёт йўли».** 10.45 «Турна патлари». Ёш томошабинлар театрининг спектакли. 11.50 «Хатларда ҳаёт». 12.10 «Ўзбекистон бастакорлари». 12.35 «Сохибжамол ва махлуқ». Мультфильм. 1-

қисм. 13.55 «Маърифат». Телеальманах. 14.15 «Никоблар». Бадий фильм. **Адабий жараён:** 15.50 1. «Ёзувчи ва замон». 2. «Шеър ва шуур». 3. «Аёл қалби». Композиция. 16.35 «Ягона оилада». 17.05 ТВ клип. 17.15 «Бахтимизга омон бўлинг». 17.35 «Рангин дунё». **Ёғи таътил кунларида «Болалар сайёраси».** 17.55 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу. 18.55 «Пазандалик сирлари». 19.05 Эстрада тароналари. 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ёшонлар 19.30 «Ахборот» (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари. 20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 20.30 «Ахборот».

21.05 «Обод уйда пок одамлар яшайди». 21.25 «Шанба оқшомида». 21.45 «Осори-атиқаларимиз». 22.05 «Бир қулишайлик». Ш. Хожиев. **«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.** 22.20 «Наҳадар тотли сўз - Озодлик» руқнда «Бенуор» фильми. 1-қисм. 24.00 «Ахборот-дайжест». 00.20-00.25 Ватан тимсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси». 9.15 Болалар клуби. 9.35 Табабат оламида. 9.55 «Давр»-репортаж. 10.05 Мусиқий лаҳзалар. 10.15 «Эсмеральда». Телесериал. 10.45 Оғоҳ. 11.00 Ринг қироллари. 12.00 Ёшлар овози. 12.20 «Ёз нафаси». Видеофильм. 12.30 «Жоли Леско».

Бадий фильм. 24-қисм. 13.20 Бола тилидан. 13.50 Дунё ажойиботлари. 14.10 «Чекчи-соғлиққа зарар». Телефильм. 14.20 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал. 15.10 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис. 15.50 «Хуқуқ ва бурч». 16.10 «Рамаяна». Телесериал. 16.45 Қўшқулоқ. 17.00 Кўрсатувлар дастури. 17.05 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус». 17.25 «Питер ва сехрли тухум». Мультфильм. 17.50 Саломатлик сирлари. 18.10 Футбол плюс. 18.30 Каталог. 18.40 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр. 19.35 ТВ-анонс. 19.40 Кўна оҳанглар. 19.50 Юлдузлар чехраси. 20.15 Қулимаган меҳмон. 20.35 Ёшлик навалари. 20.55, 21.45, 22.35 Ёшонлар 21.00 «Бошсиз чавандоз

ҳақида афсона». Бадий фильм. 1-қисм. 21.50 Олтин мерос. 22.00 Давр. 22.40 Тунги тароналар. 22.50 «Ҳайи». Бадий фильм. 00.50-00.55 «Хайрли тун!» **«Тошкент» телеканал** РЖТ 6.30-8.00 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Болалар экран». «Шарки ва Жорж». 5-қисм. 17.40 «Ҳажон географияси». 18.25, 19.45, 21.20 «Экспресс» телегазетаси. 18.45 «Мисли гавҳар». 19.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 19.20 «Нима уун?». 20.05 «Спорт-клуб». 20.30 «Табриклаймиз-кулайимиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача. 21.40 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 6-қисм. 22.20 «Ташриф». 22.40 «Кинонигоҳ». «Карнавал». 2-қисм. 23.50-23.55 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканал 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа». 9.10 Е. Петросянин «Кулгу панорамаси». 9.45 «Лазазат». 10.05 «СФ янгиликлари». 10.15 «Инглиз тили Сиз учун». 10.40 «Фан-тайм». 10.50 «Татьяна Полонская билан бирга». 11.20 «Ишбилармон юшлар». 11.40 Болалар соати: «Ҳазон забт этанлар». Бадий фильм. 13.20-14.20 Дўстлик видеоканали: «Немас шарри», «Умид», «Чинсан». 16.25 Кўрсатувлар тартиби. 16.30 Ю. Антонов кроссдаги концерт дастури. 17.00 «Билешан истаيمان». 17.20 Ю. Антонов концерти (давоми) 18.00 «Е. Петросян тақлиф этади». 19.00 «Ким миллионер бўлишни истайдиган?» Телеуйини. 20.00 «Время». 20.30 «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган». 20.40 «Тунгиз зона». 21.00 Тунги канал: «Ҳали кеч эмас» **Дам олиш дастури.** 21.05 «Кўнгли-кўнглига

пайванд». 21.35 «Тенгдошлар». 22.05 «Олтин микрофон». 22.35 «Эсликсим». 22.45 «Мусиқий калейдоскоп». 23.00 «Палитра». 23.10 «Шяғер». 23.25 «Тунги навбатчилик». 23.40 «Телеанонс». 23.50 Киносеанс: «Богда оёқ аланг». Кинокомедия. 1.20 «Таҳлинома». 1.55 «Тунингиз оуда бўлсин!» **30-КАНАЛ** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.35 — «Телехамкор». 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Тавистнинг қувноқ оиласи». Телесериал. 12.00 Оилавий кино. «Торпедочилар». 13.40 Бокс мишқоблари учун. 14.30 Хинд киноси: «Узоқ айрилиқ». 16.40 «Яширин камера билан». Юмор дастури. 17.00 «Ўз уйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» киношоми: «Полиция воқеаси». 19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Вовочка». Сериал. 21.00 «Уни Николта деб атадилар». Сериал. 21.55 «30-канал» киношоми: «Бажариб бўлмайдиган вазифа». 23.30 «Доринома». Сериал. 24.00 Мусиқий дастур.

YAKSHANBA

«Ўзбекистон» телеканал

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот». 8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур. 9.10 «Фаройибот». 9.30 «Ака-ука Грим эртақлари». Мультфильм. 10.00 «Ватанимга хизмат қиламан». 11.00 «Она меҳри». 11.20, 15.50 ТВ анонс. 11.25 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа. 11.55 «Қўна замин оҳанглари». 12.15 «Пазандалик сирлари». 12.25 «Муъжизалар майдончаси». Телешоу. 13.25 «Сохибжамол ва махлуқ». Мультфильм. 2-қисм. 14.35 «Қалб гавҳари».

14.55 ТВ клип. 15.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Дўстлик» - «Насаф». 15.55 «Портретга чизилар». 16.15 Телевизион миниатюралар театри. 16.35 «Ўзбек футболлари - 90 ёшда». 17.05 «Бинокор». Қурувчилар кўнига бағишланади. **Ёғи таътил кунларида «Болалар сайёраси»:** 17.25 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тоғ». Телевизион уйини. 18.25 «Туртинчи ҳокимият». 18.45 «Оқ олтин». Телелоторей. 19.15 «Истиқлол нашидаси». 19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Ёшонлар 19.30 «Таҳлинома» (рус тилида) 20.05 «Қўшигимиз Сизга армуғон». 20.30 «Таҳлинома». 21.15 «Яқшанбада Сиз

билан бирга». **«Яқшанба кинозали:** 21.40 «Наҳадар тотли сўз - Озодлик» руқнда «Бенуор» фильми. 2-қисм. 23.15-23.20 Ватан тимсоллари. **«Ёшлар» телеканал** 7.55 Кўрсатувлар дастури. 8.00 Давр тонги. 9.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси». 9.20 «Пуф ёлғончилар мамлакатида». Мультфильм. 9.45 Футбол плюс. 10.05 «Давр»-интервью. 10.20 Мусиқий лаҳзалар. 10.30 Синама-зина. 11.00 Очил дастурхон. 11.15 Нокаут. 11.40. «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1 Марди майдон, 2 Аскар мактублари. 12.20 «Наҳот кемаси». Бадий фильм. 13.50 Кўна оҳанглар. 14.05 Чемпион сирлари.

14.25 «Экспедиция». Ҳужжатли сериал. 15.15 Оҳанрабо. 15.55 Қишлоқдаги тенгдошим. 16.15 «Рамаяна». Телесериал. 16.50 Кўрсатувлар дастури. 16.55 «Янги авлод» студияси: «Ким эгил-у, ким чақон?». 17.20 Мультфильм. 17.40 Спорт ҳафтанома. 17.55 Маслаҳат. 18.45 Оқшом навалари. 18.55, 21.55 Иқлим. 19.00 Давр-пew. 19.20 «Ёшлар» телеканал «Нирол» мукофотига номзодларни тақдим этади. 19.50, 20.40, 22.30 Ёшонлар 19.55 «Бошсиз чавандоз ҳақида афсона». Бадий фильм. 2-қисм. 20.45 Ватан ҳақида қўшиқ. 20.50 Заковат. 21.45 Олтин мерос. 22.00 «Давр» ҳафта ичида. 22.35 Тунги тароналар. 22.45 «Ёшлар» телеканал

да премьераси: «Жонсиз ҳудуд». Бадий фильм. 00.15-00.20 «Хайрли тун!» **«Тошкент» телеканал** РЖТ 6.30-8.00 17.15 Кўрсатувлар тартиби. 17.20 «Болалар экран». «Хумо қуши». 18.55, 20.10, 22.25 «Экспресс» телегазетаси. 19.15 «Ҳажон географияси». 20.00 «Телефакт». 20.30 «Табриклаймиз-кулайимиз». 21.00 «Пойтахт». Шанбадан-шанбагача (рус) 21.20 «Ҳамшаҳарлар». 21.40 Ҳаёт сабоқлари: «Қирқ тоғоранинг қирқ ногораси». Кўп қисмли видеофильм премьераси. 7-қисм. 22.40 Кинонигоҳ «Зоя». 1.00-1.05 «Хайрли тун, шаҳрим!» **«Халқаро» телеканал** 9.00 Кўрсатувлар тартиби. 9.05 «ТВ-4да мусиқа».

9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари». 9.30 «Ҳамма уйдалиғида». 10.05 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури. 11.35 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида) 11.45 «Парле ву франсе?». 12.10 «До-ми-сол» шоу. Болалар учун дастур. 13.40-14.40 «Дўстлик» видеоканали: «Рангикамон», «Дидар», «Ўзбекистон умумий уйимиз». 16.30 Кўрсатувлар тартиби. 16.35 «Бенафша». 17.00 В. Маркони иштирокидаги концерт дастури. 18.25 «Ассалом Франция!». 18.40 «Хинд оҳанглари». 19.00 «Австострада». 19.25 Кинематограф. «Бўса ибтидоси». Бадий фильм. 21.00 «7 кун». Ҳафта жунолари. 21.25 «Мисик холл». 22.00 «Кинопрофи». 22.25 Кинематограф. «Бартон Флекс». Бадий

фильм. 24.00 «Таҳлинома». 00.35 «Тунингиз оуда бўлсин!» **30-КАНАЛ** 9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.45, 20.35 Телехамкор. 9.30 «Малика Сиси». Мультсериал. 10.00 Фильм - болаларга. 12.00 Оилавий кино. «Қароқчи чоллар». 13.40 «Баффи». Сериал. 14.30 Кундузги кинозал: «Олтин сфинкс». 16.10 «30-канал» да қизқарли учрашувлар. 17.00 «Ўз уйини». Телешоу. 18.10 «30-канал» киношоми: «Полиция воқеаси». 19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Агентлик». Сериал. 21.00 «Уни Николта деб атадилар». Сериал. 21.55 Яқшанба киношоми: «Бажариб бўлмайдиган вазифа-2». 23.30 «Доринома». Сериал. 24.00 Спорт шарҳи.

Мактабларимизда сўнги кўнғироқ садолари янграганига анча бўлди. Унинг овози ҳар биримиз учун қадрдон. Зеро, қачонлардир унинг сўнги жарангидан кейин мустақил ҳаётга қадам қўйганмиз. Уриниб-суришиб ўз йўлларимизни топгунча қанча аламлар, қанча қувончлар ҳамроҳимиз бўлганлиги эса ҳар биримизнинг ўзимизга аён.

Одатда шундай кунларда мактабни битираётган ўспиринларга мурожаат қилиб кўп сўзлар айтилади. Улар Ватан, ота-она ва юртга муносиб фарзандлар бўлишга даъват этилади. Мен бу бир қолигдаги гаплардан қочиб, бугун мактабни битирган ўқувчиларнинг ота-оналари билан суҳбат қурмоқчиман. Зотан, айтадиган гапларим ҳам ҳаёт тажрибаларидан ўтган ва неча йиллик кузатувларимдан иборатдир.

Мухтарам ота-она! Мана фарзандингиз кўз олдингизда вояга етиб, хонадонингизнинг ақли расо аъзосига айланди. Энди сиз бу рўзгорда ёнингизга яна бир устун қўшилганидан хурсандсиз. Унинг «ўз аравасини ўзи тортишидан» бир қувонсангиз, унинг келажагини ўйлаб чўқур ўйга толасиз. Зеро, инсон интильмасдан, қийинчиликларни англамасдан бахтли бўлган эмас.

Мактабни битирган ўқингиз ёки қизингиз олдида эса ўнлаб кўчалар турибди. Унинг биттаси

ҚАЙСИ КЎЧАНИ ТАНЛАДИНГ, БОЛАМ!

меҳнат кўчаси, биттаси билим кўчаси, яна бири ҳунар кўчаси, қолаверса, бекорчилик кўчаси ҳам мавжуд. Хўш, фарзандингиз бу кўчаларнинг қайси бирига кириди, бу энди сизнинг мўлжални тўғри олишингизга боғлиқ. Бу кўчалардан фарзандларингизнинг ўзи дадил юриб кетишига ишонсангиз ҳам барибир маълум бир масофага унинг қўлидан тутиб боринг. Мустақил ҳаётнинг дастлабки зарбаларидан эсанкираб қолмаслиги ва бошлаган ишидан кўнгли дарров совиб қолмаслиги учун ҳам қўлингиз, сизнинг мада-

дингиз жуда ҳам керак, азизлар. Баъзида шундай бўладики, мактабни битирган боласи ҳақида баъзи бир ота-оналар «ихтиёри ўзида энди» деб, ўзларининг маъсулиятини чўқур англамайдилар. Бунга кечагина мактабни битирган боласининг «энди ёш бола эмасман» деб гап қайтарганлари ҳам сабаб бўлса ажаб эмас.

Маҳалла, жамоатчилик қаёққа қаради деб ёзғиришимиз ҳам рост. Лекин бу кўргулик ота-онанинг бепарволигидан, «юрса юрибдида» деган чала ўйидан бошланмадим, ахир?! Кўрдингизми, азизлар, болангизнинг қўлидан тутиб тўғри йўлга бошланг деган гапим беҳуда эмаслигини мен эмас, ҳаёт исботлапти.

Майли, балки «ўзим юраман, ўзим биламан» деб фарзандингиз қўлингизни силтаб юборар, сиздан қўлини тортар, лекин сиз қўлингизни тортманг, то фарзандингиз меҳрини сезсин, ёнида устун борлигини билсин. Мана шунда қадам ташлаши дадил бўлади, адашмайди, синовларда бардошини тоблайди. Ўзини у ёқдан бу ёққа ташлаб яшашни одат қилмаслиги учун керак жойда қаттиққўлликни унутманг. Дастлабки муваффақиятларда эса ўғилнингизни «отажоним», қизингизни «она қизим» деб рағбатлантириб қўйсангиз муваффақият мевалари яна ҳам катталашаверади, бундан эса фақат сиз ютасиз. Зотан, ҳар бир инсоннинг бахти фарзандлар бахти билан тугалдир. Ўзи бахтли бўлиб, фарзандлари бахтсиз бўлган одамлар кўкка эмас, ерга қарасинлар.

Азизлар, бир баҳона-ю сабаб кўнглимдагини сизларга ёридим, ниятим эса: ҳаммангизнинг фарзандларингиз бахтли бўлсин!
Ҳамид НОРҚУЛ.

Таълим соҳасидаги ҳамкорлик

Мамлакатимиз мустақил ривожланишининг муҳим ютуқларидан бири тинчлик, дўстлик ва миллати, дини, ижтимоий мавқеидан қатъи назар Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ўртасида тотувликнинг мустаҳкамланишидир.

Давлатимиз раҳбарининг доно, узоқни кўзлаган сиёсати туфайли Ўзбекистонда турли миллат ва элат вакилларининг бетакрор маданияти, анъаналари ва удумларини сақлаш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун барча шароит яратилган. Мамлакатимизда Республика Байналминал маданият маркази ва унинг кўплаб миллий бўлиналари фаолият кўрсатмоқда.

Рус маданий марказидан ЎзА муҳбирига дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган навбатдаги тадбир ҳақида хабар беришди. Россиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмағида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 65 нафар ўқувчи, 80 нафар рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Омск шаҳрига жўнаб кетди.

Ёзги таътилларнинг уч ҳафтаси давомида ушбу кам таъминланган оилалар фарзандлари ва меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари у ерда дам олади, турли танловларда иштирок этади. Ўқитувчилар эса тажриба алмашиш, малакасини ошириш, семинарлар, ўқув ўйинларида қатнашиш имкониятига эга бўлади.
(ЎЗА).

Мусобақа ДОВЮРАКЛАР БЕЛЛАШУВИ

Кеча Чирчиқ шаҳридаги «Олмос» ўйингоҳида Ўзбекистон Республикаси «Динамо» спорт жамияти аъзоларининг ёнғинни ўчириш бўйича амалий мусобақалари тантанали очилди.



Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг маҳоратини ошириш, уларни жисмонан соғлом, чаққон ҳамда чидамли қилиб тарбиялаш мақсадида ўтказилаётган ушбу мусобақа иштирокчилари спортнинг беш тури бўйича беллашадилар. Унда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЁХББларидан ҳамда Қозоғистон Республикаси ЁХБ департаментидан жами 18 та жамоа ўзаро баҳслашади.

Иштирокчилар кеча тўсиқлар оша 100 метрга югуриш ҳамда ёнғин ўчириш эстафетаси бўйича куч синашдилар.

Бугун ҳам мусобақаларнинг қатор турлари бўйича қатнашчилар ўз маҳоратларини намойиш этадилар.

Акбар АЛЛАМУРОВОВ.

БЕМОРЛАР УЧУН ТУҲФА

Ўртачирчиқ сил касалликлари ва Юқоричирчиқ марказий шифохоналарига АҚШдан юборилган хайрия ёрдами етказиб берилди. Даволаш муассасалари учун техника воситалари, тиббиёт ашёлари, дори-дармон қўйиш воситалари —

жами 613 та нарсдан беморлар текин фойдаланадиган бўлишди. Уларни шифохоналарга «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг ходимлари топширишди.
Ўз мухбиримиз.

Маҳалла футболли

ВИЛОЯТ БОСҚИЧИ ЯКУНЛАНДИ

Кунни кеча «Футболимиз келажаги» республика турнирининг вилоят босқичи ўйинлари бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва туман миқёсидаги мусобақаларда голиб чиққан ўндан зиёд жамоа иштирок этди.

Ўйинлар икки гуруҳда ўтказилди. Дастлабки баҳсларда 15-16 ёшли ўсмирлардан таркиб топган жамоалар ўзаро куч синашдилар. Оққўрғон туманининг «Уста Нормат» маҳалласи ёш футболчилари ҳакамлар томонидан бирин-



чи ўринга муносиб топилди. Янгийўл шаҳар «Фарҳод» маҳалласи, Чирчиқ шаҳар «Дўстлик» маҳалласи спортчилари иккинчи ва учинчи ўринларни қўлга киритдилар.

Иккинчи гуруҳда эса 12-14 ёшли ўсмирлар футбол жамо-

алари ўзаро баҳс олиб бордилар. Бу мусобақаларда Оққўрғон тумани «Ўзбекистон» маҳалласи ўсмирлари чиройли ўйинлар кўрсатиб, рақибларидан анча устун эканликларини исботладилар. Иккинчи ва учинчи ўринлар Ўртачирчиқ туманининг «Галаботир»

ҳамда Қибрай туманининг «Уймовуд» маҳаллалари ёш футболчиларига насиб этди.




СУРАТЛАРДА: 1. Заҳирадаги ёш футболчилар. 2. «Коптокни ким дарбозага киритаркин?» 3. Голиб жамоага соврин топшириляётир. 4. Оққўрғон туманининг «Уста Нормат» маҳалласи футбол жамоаси.

Даврон АХМАД олган суратлар.

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Eng
so'nggi
xabarlar



МАНФААТЛИ МУЗОКАРАЛАР

Покистон президенти Парвез Мушарраф уч кунлик расмий ташриф билан Бангладешга келди. Бу ерда Покистон давлат раҳбари Бангладеш бош вазири Холидий Зиё Раҳмон билан музокара ўтказди. Музокарада халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш масаласи муҳокама этилди. Шунингдек, икки томонлама савдо-иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

МАРКАЗ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

АҚШ ҳукумати Оқ уйда ташқи сиёсатни мувофиқлаштириб боровчи марказни ташкил этишга қарор қилди. Вашингтон маъмурларининг сўзларига қараганда, бу марказ ўтган йил сентябрь воқеаларидан кейин худди шу мақсадда тuzилган коалицион ахборот маркази асосида таркиб топди.

ТАШРИФ АРАФАСИДА

Шу ҳафтада Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Переснинг АҚШга расмий ташрифи кутилмоқда. Шимон Перес сафар олдида «Си-эн-эн» телекомпаниясига интервью бериб, Яқин Шарқда тинчликка эришиш осонмас, бунинг учун вақт ҳамда Фаластиндаги иқтисодий аҳволни яхшилаш талаб этилади, деди.

НОРАСМИЙ УЧРАШУВ

АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл Бруней пойтахтида Шимолий Корея ташқи ишлар вазири Пек Нам Сун билан 15 дақиқалик норасмий учрашув ўтказди. Сўхбат чоғида қандай масалалар хусусида фикр алмашилгани маълум эмас. Икки давлат ташқи ишлар вазири Брунейда бўлиб ўтаётган АСЕАН форумида иштирок этмоқда.

БИОМАГНИТЛИ МАЙДОН ЭГАСИ



Руминиядаги Ясс шаҳрида яшовчи бир студентнинг ғаройиб «фазилати» бор. Шу туфайли у атрофидагилар учун бош оғриғи бўлиб қолган. Гап шундаки, у қаерга борса ташвишли ҳодиса рўй беради. У Молдавия пойтахтидаги тўққиз қаватли уйга кирган вақтида гоҳ бир қанча электр анжомлари ишдан чиқди, гоҳ йўлакдаги лампочкалар куйиб қолди, лифт ҳеч қандай сабабсиз қаватлар орасида тўхтаб қолаверди.

Кунларнинг бирида қисқа туташув оқибатида уйдаги барча телевизорлар куйиб қолди. Бунинг сабабчиси уйга кириб-чиқаётган ўша студент эканлигини пайқаб қолишди. Ҳақиқатдан ҳам у тирик кучли биооханграбо манбаи бўлиб, бу соҳада ҳеч ким унга тенг келолмас эди. Уни осончиликча ҳайдаб юборишга бўлган уриниш ҳам фойда бермади. Уй бошқарувчиси шундай қилмоқчи бўлиб, аънавий салом аликдан кейин у билан қўл олишганда шундай кучли электр разряди олдики, ҳатто оламдан кўз юмишига оз қолди.

ЙЎҚОЛГАНЛАР ТОПИЛДИ

Шу йилнинг апрель ойида Колумбиядан Эквадорнинг Эсмералдас шаҳри томонга учган «Элиамерика» компаниясига қарашли вертолёт ҳалокатга учраган эди. Вертолёт ичида бўлган франциялик ва Канаданинг икки нафар фуқароси йўқолиб қолганди. Яқинда уларнинг дарағи топилди. Маълум бўлишича, улар мамлакатда фаолият кўрсатаётган экстремистлар гуруҳи жангарилари томонидан асирга олинган экан. Махбуслар ўз давлатининг Колумбиядаги элчихоналари аралашуви билан асирликдан озод этилди.

ГРЕЦИЯ ОЛИМПИДАГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

2004 йилда Олимпиада ўйинлари Грецияда ўтиши ҳақидаги хабар тарқалмасиданоқ, мазкур мамлакат ҳукумати ушбу жаҳоншумул тадбирга тайёргарликни бошлаб юборганди. Чунки, мазкур ўйинларнинг ватани ҳисобланган Юнонистонга йилга ўн минглаб сайёҳлар ташриф буюради. Мамлакат газнасига келиб тушадиган даромад ҳам асосан, туризм соҳасидандир. Шунинг учун ёзу қиш грецияликлар мамлакатни ободонлаштиришга алоҳида эътибор қаратиб келади.

Пойтахт — Афинада аллақачон қурилиш ишлари бошлаб юборилган. Спортнинг бир қатор турлари бўйича ўтказиладиган мусобақаларнинг ҳар бирига алоҳида жой ҳозирланмоқда. Ўнга яқин янги стадион барпо этилаётир. Асосий эътибор Олимпия ўйинлари очилиш маросими ўтказиладиган ўйингоҳга қаратилмоқда.

Охирги марта Австралиянинг Сидней шаҳрида ўтказилган олимпиаданинг очилиш ва ёпилиш маросими ўзининг ранг-баранглиги билан мухлисларда катта таассурот қолдирган эди. Греция маданият вазири Эвангелос Вензелоснинг айтишича, грецияликлар бу галги тадбирни олдингисидан қолишмайдиган даражада кўтаринкилик билан ўтка-

зишга бел боғлаган. Тадбирнинг олий даражада ўтиши учун ўн минглаб кишилар сафарбар этилган.

Қизиғи шундаки, янги иншоотларни қуриш пайтида қурувчилар тез-тез қадимги обидаларнинг қолдиқларига дуч келмоқда. Бунинг ажабланарли жойи йўқ. Зеро, юнон замини тараққиёт бешиқларидан бири ҳисобланади. Бу юртнинг ҳар бир қарич тупроғи улкан тарихга эга. Яқинда Афина шаҳри худудида тарихи минг йиллар қарғига бориб тақалувчи обиданинг бўлаклари аниқланди. Энди қурилиш майдонларида бунёдкорлар билан бирга қадимшунослар ҳам тер тўкаётир. Топилмалар эса мамлакат музейларига топширилмоқда.

Айни пайтда Греция ҳукумати спорт байрамига ташриф буюрувчи минглаб спортчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳам ташвишлантираётир. Чунки, Греция ҳам террорчиликдан жабр кўрган давлатлар сирасига киради. Мамлакатда хуфёна фаолият олиб бораётган «17 ноябрь» террорчилик гуруҳи ўйинларнинг тинч ўтишига ҳалал бериши мумкин. Яқинда мамлакат қуролли кучлари ана шу ташкилотнинг фаолиятига чек қўйди. Бундан хабардор бўлган Халқаро Олимпия кўмитаси президенти Жак Рогге ниҳоятда мамнун эканини билдириб, жаҳон спорт ўйинлари кўнгилдагидек ўтишига шубҳам йўқ, деди.

Шаҳноза МАТНАЗАРОВА,
ЎЗА шарҳловчиси.



Швеция.

«ЎЛДИРАДИГАН» ҲИДЛАР



Америкада кишини беҳузур қилувчи қўланса хид таратадиган бомба яратиш устида ишлар иккинчи жаҳон уруши йилларида бошланган эди. Уша вақтда одам ўлдирмайдиган бу қуролни ишлатишга уриниш ҳам бўлган эди. Бундай бомбалар портлаганда атрофга кишини ўқчитадиган бадбўй хид тарқатишга мўлжалланган эди. Ниҳоят унинг барча инсонларга, миллатидан қатъий назар, ёмон таъсир қиладиган бир қанча турлари аниқланди.

Пентагоннинг буюртмаларини бажарган олимлар кўп йиллик изланиш ва меҳнат якунига етганлигини айтдилар. Шундай хидли пуфакчалар қўшма штатларнинг ҳамма худудларида сотилмоқда. Полициячиларнинг ҳам бундай қуролдан намойишчиларни ҳайдаш, иншоотларни ҳимоя қилиш, террорчиларни яшириниб олган жойларидан қувиб чиқариш ва бошқа шу каби тадбирларда фойдаланиш нияти ҳам йўқ эмас.

ҒАРОЙИБ РЕСТОРАН



Америкалик Тодд Дэлтон бир вақтлар хусусий ҳайвонот боғи эгаси бўлган эди. Унинг жониворларга бўлган меҳрию, қизиқиши кейинчалик бошқа шаклда давом этди. Лондонда ресторан очиб, хўрандаларга ғаройиб таомлар тақриф қила бошлади. Бу ерда ниши олиб ташланиб, шокладга солинган чаён, қовурилган хурбақа, ҳатто қайлали тимсоҳ гўшти ва бошқа шу каби таомларни бемалол татиб кўриш мумкин.

Ресторан «Еб бўладиган» деб аталган. Ғаройиб бу масканнинг эгаси Осие ва Африка мамлакатлари бўйлаб саёҳатлари вақтида шундай емишларни хуш кўриб қолган эди, ошпаз дипломини эса Луизиана ошхона санъатлари институтида олди.

Тодд «тайёрланаётган барча таомлар истеъмол бозори учун махсус тўқинликда парвариш қилинаётган жониворлардан тайёрланмоқда ва фақат иллонлар табиатдан тutilмоқда», — дейди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

Турфа олам

Турфа олам

Bolalik bog'i

ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

*Кимнинг дошм кўнгли чоғ,
Билки, унинг тани соғ.

*Ўзгага зинҳор тош отма,
Кўнглига тегар гап айтма.

*Ҳалол топганнинг кўнгли тўқ,
Ҳаром топганнинг тинчи йўқ.

*Ёмон бўлса тил,
Озор топади дил.

*Ҳар кимсага эгаверма бош,
Ҳар нарсага тўкаверма ёш.

*Қисқа қил сўзингни эй одам,
Камтар тут ўзингни ҳар дам.
Асан НАЗАРОВ.*

СНАРА

*Mening kuchugim Chara,
Charchamas chopa-chopa.
Mabodo ikki olsam,
U bo'lar mendan hafa.*

*Eh Charajon-Charajon,
O'ynayver chopa-chopa.
Endi a'lo o'qiyman,
Seni qilmasdan hafa.*



Abdusamad YUNUSOV.

Фельетон



— Подачи кўпайса, кўй харом ўлади...
— Хой Асом, нималар деб валдираясан? — пиртовол четига носини туфлаб, унинг гапини бўлди мулла Исоқ.
Ғаданг унга бир ижирганиб:
— Гапни белига тепма, мулла, — деб кўйди-да, фикрини давом эттирди. — Мана қаранг, маҳаллаларда мелиса, унга ўнланган ёрдамчи пос-бон...
— Аммо яна гапингни бўламан... — орқадан тўнғиллади мулла Исоқ. — Билсанг гапир, далилинг бўлмаса — валдирама-да.
Гапини бўлгани яна Ғадангга ёқмади, бир гижиниб жавоб қайтармоқчи эди, уларнинг ўртасида Қобил оқсоқол пайдо бўлди:
— Уят эмасми? — шундай деб, оқсоқол муллага юзланди. — Одамда озгина андиша бўлиши керак. Кўйинг, бир дарди борки, Асом сўз очди.
— Шундай, оқсоқол, дард шуки эл-овулда ўғри урчишти, — деди Ғаданг куюниб. — Ҳафта-ўн куннинг нарёғида Қовунчиға тушгандим, бозордаям, мазордаям бир гап. Нимамишки, атроф-қишлоқлардан машина гилдиракларни суғуриб кетишяпганмиш. Бир кечада Халқободнинг ҳам Олмазор, ҳам Файзулла Хўжаев кўчасида икки КамАЗ ҳавода муаллақ туриб қолипти. Қанақасига? Қандоқ қилиб? Ҳамма ҳайрон.
— Тунов Чинозда шу сингари гапни эшитиб қолувдим, — суҳбатга қўшилди Самигулчи. — Жияним ош берди, Тиллаободда. Қўшниси До-ниёр Эсқораев деганининг КамАЗидан ҳам икки гилдиракни ўмариб кетишибди. Эрта билан кўришса, машина деганимиз тўнжанинг устида турганимиш шумшайиб.
— Энди бердисини эшитинг, — Асом ғаданг бароқ мўйлабларини чап қафт учи билан сийпалади. — Терговчи жезнам бор-ку, Эшмамат, ўша яқинда эшикка бир кўниб ўтди. Халқободга бораётган экан. Шу кеча ҳалиги ўғрилар қўлга тушипти, — чоллар

қадамларини секинлатишди.
— Кимлар денг? Уч киши экан, паналатлар (Асом ғаданг ҳеч қачон «падарлаънат» демайди). Ҳаммаси ўғрилик кўчасининг гу-машталаримиш. Ишбошиси Ян-гийўл шаҳриданакан. Ўтган ёз беш йилга кесилиб, пошшомиз авфига илинган экан, занғар. Шу десангиз, қамоқдан чиқиши билан эски ўғри Жўра Исмайти яна қанотига опти.
— Ўғрини ўғри олисдан ислайди, — деб кўйди мулла Исоқ.

пазмол демоқчи) бозорма-бозор кўз-кўз қилиб. Энди гилдирак катта-ю оғир бўлса ҳам, олиб кетиб сотиш осон. Сотиб олганнинг ҳам дами ичида...
Биттанг «Волга»нгни шайлаб, кўздан четроқда турасан. Биз гилдиракларни ечамиз. Бага-жингни очасану ёпасан. Ҳаю ҳай дейсан.
Режа пиштилиб, уч оғайни ўғрилар куну кун оша қуёш бо-тишини бетоқат кутадинг одат чиқаришибди. Гоҳи оқшом Халқ-

**АСОМ ҒАДАНГ?
НЕГА ХУНОБ?**

Қобил оқсоқол унинг тирса-гига туртди: «Тек тур». Бошқалар ҳам муллага норизо кўз ташлашди. У кўзини четга олди. Ғаданг оҳиста одимлаганича эшитганларидан сўзлар, дарға-заблиги титроқ овозидан сези-либ борарди.
— Ахир, ўғри эдинг. Қўша биллакузук тақиб ўтиргандинг. Гу-ноҳингни кечибди. Авф этиб, энди одам бўл, дейишди. Шукр қилмайсанми, паналат! Йўқ, яна кўнгилинг эски кўчасига кириш керак. Осон пул топиш керак. Лекин, текин томоқ кунда бир ўлдиради-ку? Қачон тушунасан?!
Уша ўғрибоши Дилшод Зуф-аров қамоқдан барвақт чиқиши билан яна «иш» бошлабди. Буни қарангки, шаҳарнинг шундай би-қинида, Заря кўчасида яшовчи Бахтиёр Фозилов билан Жўра Ҳасанов деган эски ўғриларнинг бошини қовуштирибди. Бугун-уни, эртага—буни эмас, аниқ бир нарсани ўғирлашга мослаши-шипти. Яъни масалан — КамАЗ гилдиракларини.
— Гум қилиш осон бўлади, — дебди Дилшод ўғрибоши. — Харидорлар тез ўрганишади. Юрамизми латта-путта, биттех-никани (маиший техника, яъни телевизор, холодильник, дазмол-

ободга, гоҳи — «Тинчлик»ка тан-да кўйиб қолишибди. Гилдирак-ларни кечасиёқ унга-бунга пул-лаб юришибди.
— Қочганам, қувганам худо дегани ҳақ гап экан, — Ғаданг аста қадам босганича зимдан мулла Исоққа кинояомуз кўз ташлаб кўйди. — Ўртада мулла-жиринг шалдирамаса, одамлар кечаси эшик қоқиб келган киши-лардан КамАЗ гилдиракларини индамай олиб қолаверишадими? Бозор баҳоси 115-150 минг тур-са-да, ўғрилар йигирма-йигирма бешга сотишса, ишқибоздан камчилик бўлмасакан-да. Пана-латлар сўрашмайдами: Кимсан? Қабқдан олдинг?
Жезнам Эшмамат айтди: ўғри-лар гилдиракни кимга сотишган-ларини ҳам дона-дона қили-и-иб айтиб бера бошлашпти. Буни қарангки, бир кечада «Тинчлик» хўжалигидаги Ўзбекистон кўчаси-дан Раҳматилла деганининг, ҳам Рустам деганининг КамАЗларидан уч гилдиракни ўмариб келиб, Ян-гийўл шаҳрининг Тинчлик кўча-сида Алишер Раҳимов деганга пуллашипти. Алишери ҳам по-сонини қаққа босишни ҳўп би-ларкан. 320 минг баҳоланган уч гилдиракни бор-йўғи 60тага олиб қопти. Энди, айтинг-чи ким ўғри-

ю ким йўлтўсар? Ўғрини қароқ-чи ургани шу эмасми. Жарақ-жарақ беш юзталиқлар кўз ўнгида селпинса, виждонни унутасанми, занғар!!
Энди бугўни эшитинг, Дилшод ҳам пихини ёрган экан. Ўғринчи молни сотгани-га сотиб, мўмайини ўзи ютиб кетаркан. Шерикларига ўн-ўндан бераркан, ҳолос. «Ҳа?» — дейишмас ҳам экан паналатлар. Имонни, виждонни ют-ганда зарда ҳам сел бўлиб йўқоладида...
— Зарда сенда бўлади, Ға-данг, — пинғиллади мулла Исоқ.
— Янами?! — такрорлади Асом ғаданг.
Ўнг кўчага кириб бораётган мўйсафидлар яна ҳой-ҳойла-шишди. Муюлишга биринчи бўлиб бурилган Қобил оқсоқол анграйиб қолди. Орқасидан бораётган Асом ғаданг унга туртинди «Уэр», — дейишни биледи, ўзи ҳам бақрайди-қол-ди. Не кўз билан кўрсинки, рўпарасида усти ёпиқ КамАЗ тиркамаси билан турарди. Тир-камасининг бир ўқи, машина-нинг чап ёни катта-катта тўнка-ларга миңдирилганди...
Жўрабек МУРОДОВ.

Бекажон

**ПИШИРИҚЛАР
ТАЙЁРЛАЙ
ОЛАСИЗМИ?**

МУРАББОЛИ РУЛЕТ

500 г ун, 40 г хамирту-руш, 0,5 стакан сут, 100 г шакар, қирғичдан ўтказил-ган ярим дона лимон шар-бати, 100 г маргарин со-либ хамир қилинади. 30 дақиқага ошириш учун қўйилади. Сўнгра хамирни муштраб, яна 20 дақиқага қўйилади. Хамир тайёр бўлгач, ёйиб, мураббо ме-васи ёки повидло суртиб ўралади. Рулетни ёғ сур-тилган патнисга қўйиб, қиз-дирилган духовкада 35-40 дақиқа давомда пишири-лади. Тайёр рулетни сову-тиб, кўндалангига бўлакча-ларга қирқилади, қанд упа-си сепилиб, дастурхонга тортилади.

«БАЙРАМ» КЕКСИ

250 г. сарёғни юмшатиб, 200 г. шакар ва 1 ош қошиқ қирғичдан ўтказилган апел-син пўстлоғи билан 5 дақиқа давомда миксер ёрдамида кўпиртирилади. Сўнгра 3 дона тухум солиб аралаштиришда давом этиб, 1 пакет хамир юм-шаттич солинган 350 г. ун қўйилади-да, бир оз кўпчи-тилгандан кейин 200 г. сме-тана оз-оздан солиниб, яна кўпчилди. Хамир тайёр бўлгач, 300 г. тозаланган писта мағизи солиниб ара-лаштирилади-да, ёғ суртиб, нон талқони сепилган мах-сус қолипга қўйиб, 40 дақиқа давомда пастроқ оловда пиширилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА тайёрлади.

Ангрен шаҳридаги 3-ўрта мак-таб томонидан 1991 йилда Гул-чехра Умурақовна Маюсупова но-мига берилган А № 495564 ра-қамли аттестат йўқолганлиги са-бабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Юнусобод туманидаги Тошкент Радиотехника лицейи томонидан 2000 йилда Музаффар Сатторо-вич Турабов номига берилган КХТ № 151550 рақамли диплом йўқол-ганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент вилояти жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси жамоа-си қўмига раиси Баҳром Фафуров-га ораси

Муборак ИСОҚОВАнинг бевақт вафот этганлиги муносаба-ти билан чуқур таъзия билдиради.

Музей янада чирой очмоқда

Ўзбекистон Давлат санъат музейи экспонатлари-нинг ранг-баранглиги, ноёблиги ва қадимийлиги би-лон мамлакатимиздагина эмас, Марказий Осиёда ҳам ўзига хос ўрин тутди. Мазкур маданият мас-кани жаҳондаги унга йирик ана шундай санъат даргоҳларидан биридир.

Айни кунларда музейда кенг қўламда таъмирлаш ишлари давом этмоқда. Мустақиллиги-мизнинг ўн бир йиллиги ара-

эйтиборига ҳавола этилади. Унда мамлакатимиз ва халқи-миз тарихига оид 50 мингдан зиёд турли осори-атика, нодир буюм сақланади. Улар орасида ҳанузгача томошабинлар эътибо-рига тўла ҳавола этилмаганлари ҳам анчагина. Айниқса, халқ ама-лий санъатининг зардўзлик йўна-лишига оид минглаб намуналар бунга ёрқин мисол бўла олади.

Улар ўзида халқ амалий санъа-ти миллий мактабининг бетак-рор аъналарини намоян эта-ди.

Байрам арафасида музейда ана шундай ноёб осори-атика-лардан махсус кўргазма ташкил этилади. Шу кунларда "Ўзбекте-лефильм" студияси билан ҳам-корликда музейда сақланаётган зардўзлик дурдоналари ҳақида ҳикоя этувчи ҳужжатли фильм су-ратта олинмоқда.

**Назokat УСМОНОВА,
Ўза мухбири.**

ТОШКЕНТ HAQIQATI
Ташкилотнинг асосий мақсади — аҳолига ақил-парасанд ва ҳақиқатни тарғиб қилиш.

Мурасим
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
шарҳ бўлган: 133-40-48.
Эъловлар:
133-70-10, 136-53-80.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақам билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» тохирини компьютер марказида тартиб ва сақланади.

• Эълон ва билдирув-лардаги факт ҳамда да-лилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берув-чилар масъулдир.